

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2019 йил 16 май, № 100 (7330) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯНИНГ «ЛУКОЙЛ» КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни «Ўзбекистон нефть ва гази» халқаро кўргазмаси тадбирларида иштирок этиш мақсадида мамлакатимизда бўлиб турган «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**



Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, мамлакатимиз нефть-газ тармоғида етакчи бўлган ушбу Россия компанияси билан самарали ҳамкорлик изчил ривожланаётганини алоҳида қайд этди. Бугунги кунда «Лукойл» компанияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга киритган инвестициялар ҳажми 7,5 миллиард доллардан ошади.

Ўтган йил апрель ойида ишга туширилган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси лойиҳада кўзда тутилган қувват билан ишлай бошлади. «Ҳовузак» ва «Шоди» конлари, шунингдек, Жануби-Ғарбий Ҳисор конлари ўзлаштирилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари, жумладан, янги инвестиция дастур ва лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда «Лукойл» компаниясининг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Вагит Алекперов Президентимизга самимий қабул ва қўшма лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

«Лукойл» компанияси раҳбари Ўзбекистон билан нефть-газ тармоғида узоқ муддатли ва кенг кўламли шерикликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ «РОСАТОМ» КОРПОРАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Россиянинг атом энергияси бўйича «Росатом» давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражада эришилган келишувларни рўёбга чиқариш доирасида илғор технология ва илм-фан ютуқларини жалб этган ҳолда, мамлакатимизда биринчи атом электр станцияси қуриш лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузурида «Ўзатом» агентлиги ташкил этилган ва фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда атом энергетикасини ривожлантириш бўйича ўн йилга мўлжалланган концепция қабул қилинган.

Бўлажак АЭС учун майдон танлаш бўйича муҳандислик тадқиқотларининг биринчи босқичи якунланди. Халқаро талабларга мувофиқ, лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири баҳоланмоқда ва техник ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Аҳолини атом энергетикаси ва ядровий технологиялар ривожи тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида «Ўзатом» агентлиги биносида Атом технологиялари ахборот маркази очилди.

Бундан ташқари, янги ўқув йилидан Тошкентда «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети филиали ўз ишини бошлайди.

Учрашувда мамлакатимизда қабул қилинган «Йўл харитаси» асосида АЭС қурилиши лойиҳасини сифатли тайёрлаш ва амалга оширишни таъминлаш бўйича ҳамкорликни давом эттириш масалалари кўриб чиқилди. Янги тармоқни ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

«Росатом» давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди. Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида эришилган келишувларни ўз вақтида ва кенг кўламда амалга ошириш борасидаги интилишларнинг қатъий экани таъкидланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН, ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН, ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР УЧУН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА СИФАТИДА БЕЛГИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инновацион тадбиркорлик ва юқори технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш, шунингдек, Навоий вилояти ҳудудида минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватларни ташкил этиш мақсадида:

1. Навоий вилояти ҳудуди кейинчалик белгиланган тартибда муддатини узайтириш имконияти билан 2030 йил 1 январга қадар инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона этиб белгилансин.

2. Белгилансинки:

Навоий вилоятининг ҳудудий чегаралари ичида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошираётган корхоналарга, ҳудудда мавжуд бўлган ёки енгил барпо этиладиган инфратузилмаларда ишлаб чиқаришларни ихчам жойлаштирган ҳолда “Навоий” эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда — “Навоий” ЭИЗ) иштирокчиси мақоми берилади;

ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини бажармаган тақдирда, “Навоий” ЭИЗ иштирокчилари билан инвестиция битимларини бекор қилиш, тўхтатиб туриш ва уларни “Навоий” ЭИЗ иштирокчиси мақомидан маҳрум этиш фақатгина суд тартибида амалга оширилади.

3. Навоий вилоятидаги Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашига инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар сифатидаги янгидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини ҳамда “Навоий” ЭИЗ дирекциясининг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда, уларга “Навоий” ЭИЗ иштирокчиси мақомини тақдим этишни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилсин.

4. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Навоий вилоятидаги Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналар маъмурий кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни белгилаш, шунингдек, “Навоий” ЭИЗ иштирокчиси мақомини бериш учун инновация лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда унинг қатнашчиларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Эркин иқтисодий зона сифатида Навоий вилоятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

**(Давоми 2-бетда).**

Вагит АЛЕКПЕРОВ:

## НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

*Россиянинг “Лукойл” компанияси президенти Вагит Алекперов давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.*

— Президент Шавкат Мирзиёев билан узоқ муддатли ҳамкорликка оид жорий лойиҳаларни амалга ошириш ва янгиларини ишлаб чиқиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Табиий газни чуқур қайта ишлашга доир янги лойиҳалар, шунингдек, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий лойиҳалар асосида 2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги катта инвестицион циклни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди. Бу маблағлар Жанубий Ҳисор ва Қандим гуруҳларидаги конларда қазиб олинадиган газ ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон ҳудудида янги инвестицион лойиҳалар ва геология-қидирув ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

→ 2

Алексей ЛИХАЧЁВ:

## ТОШКЕНТДА «ММФИ» ФИЛИАЛИ ОЧИЛГАНИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДАН ДАЛОЛАТДИР

*Россиянинг атом энергияси бўйича “Росатом” давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг ЎзА мухбирига интервью берди.*

— Суҳбатда фан ва юқори технологиялар соҳасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, икки мамлакат илмий-тадқиқот институтлари ва инновация марказлари ўртасида яқин ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма дастур ва лойиҳалар доирасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди. Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнлари, тармоқ ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

→ 2

## Аҳоли ишончи — катта масъулият

*Чироқчи туманидаги Чироқчи маҳалласи муаммолари, одамларининг дарду ташвишларини 15 йилдан буён ушбу маҳаллада раис бўлиб фаолият кўрсатиб келаётган Момосулув Бердиқулова, табиийки, ҳаммадан кўра кўпроқ билади. Бу ерда аҳоли ўз муаммоси билан унга учрайди. Опа эса масалани ҳал қилиш учун бор билими, салоҳиятини ишга солади, ҳеч бўлмаганда жўяли маслаҳат бериб, керакли жойга йўналтиради. Шу сабабли маҳалладошлари унга доим ишонч билдиради.*

**Демократия кўзгуси**

Гап шундаки, яқинда бўлиб ўтган сайловда ҳам 207 нафар вакилнинг 177 нафари унга овоз берди. Иккинчи номзод Маҳфират Маҳмудова эса 18 та овоз олди.

— Сайловолди дастуримга йўлларни асфальт қилиш, таъмирлаш масалалари киритилган, — дейди М. Бердиқулова. — Ҳозир маҳалламиздаги мактаб йўлига асфальт ётқизиляпти. Яна қолган йўлларни таъмирлаш, 2 та артезиан қудуқ қазиш режалаштирилган. Ҳудудимизда битта мактаб, 2 та болалар боғчаси, пахта тозалаш заводи, истироҳат боғи, буюм бозори бор.

Маҳаллада қурилган янги икки қаватли бинода 150 нафар аёл учун иш ўрни яратилди. Тез орада яна 200 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш бўйича келишув олиб боряпмиз. Шунингдек, 9 та эҳтиёжманд оила бор эди. Уларга кредит олишларида кўмаклашдик.

→ 3

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**



## Томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этиш ишлари кечиктирилгани депутатлар танқидига сабаб бўлди

*Жорий йилда томчилатиб суғориш тизимларини қуриш ишлари кўзда тутилган умумий 12121 гектар майдондан бор-йўғи 4 минг гектарида бажарилган бўлиб, асосан, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.*

Шу билан бир қаторда, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Наманган вилоятларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ишлари кечиктирилган. Бу ҳолат депутатлар танқидига сабаб бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг йиғилишида ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирлик, идоралар раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

→ 2

## 30 дан зиёд мамлакатлардан 300 дан ортиқ компаниялар




### нефть-газ ва энергетика соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни тақдим этмоқда

**Халқаро кўргазмалар**

Кеча пойтахтимизда “Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2019” ҳамда “Энергетика, энергияни тежаш, атом энергетикаси, энергиянинг муқобил манбалари — Power Uzbekistan — 2019” халқаро кўргазмалари иш бошлади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика тармоғидаги мазкур муҳим тадбирларнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари кўп. Зеро, халқаро форумда тубдан ислоҳ қилинаётган жабҳанинг ютуқ ва истиқболлари, стратегик вазифалар ҳамда амалга оширилиши кўзда тутилган йирик лойиҳалар қамраб олинган.

→ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН, ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН, ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР УЧУН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА СИФАТИДА БЕЛГИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

инновацион фаолиятни ривожлантириш, шунингдек, илғор тажрибани жорий этиш ҳамда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

юқори қўшилган қийматга эга экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш;

Навоий вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

кимё маҳсулотлари ва замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, табиий тошларни қайта ишлаш ҳамда маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида саноатнинг бошқа йўналишлари бўйича кластерлар яратиш;

қимматбаҳо тошлар ва металларни қайта ишлаш соҳасида янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасига инновацион технологияларни жорий қилиш;

вилоят корхоналари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш орқали юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

вилоятнинг, биринчи навбатда, туман марказлари ва йирик аҳоли пунктларининг транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, вилоят ҳудудида йирик логистика марказини ташкил этиш;

ҳудуд иқтисодиётининг ихтисослашган кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжидан келиб чиқиб юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш.

6. Навоий вилояти ҳудудида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона ташкил этиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин, унга Навоий вилоятини комплекс ривожлантириш ҳамда унинг ҳудудида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш масъулияти юклансин.

7. "Навоий" ЭИЗ иштирокчиси мақомини олган Навоий вилоятидаги корхоналар:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўловидан;

бўшаб қоладиган маблағларни янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техник, технологик қайта жиҳозлаш, кенгайтириш, ишлаб чиқариш биноларини қуриш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё ва материаллар харид қилишга мақсадли йўналтирган ҳолда ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар, маҳсулот экспорт қилинганда вужудга келадиган қўшилган қиймат солиғининг манфий суммаси қайтарилмаслиги ҳуқуқи билан божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида олиб кириладиган қурилиш материаллари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган, божхона имтиёзлари қўлланилган ҳолда олиб кирилган ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар уларни олиб кирилган кундан бошлаб уч йил мобайнида реализация қилинадиган ёки бепул ўзгага топшириладиган ҳолатларда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундириб олинади.

8. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) ушбу Фармоннинг 7-бандида назарда тутилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, шу жумладан, эквиваленти:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 7 йил муддатга;

10 миллион АҚШ доллари ва ундан кўп ҳажмдаги инвестициялар кейинги 5 йил давомида даромад солиғи ва ягона солиқ тўловининг амалдаги ставкаларини 50 фоиз ҳажмда қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга берилади;

б) "Навоий" ЭИЗ иштирокчиси мақомини олган хўжалик юритувчи субъектларга экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китобларнинг ўзи учун қулай шарт ва шаклларидан фойдаланишига рухсат этилади;

в) "Навоий" ЭИЗ иштирокчиси мақомини олган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ тўловчининг ҳолатини ёмонлаштирадиган Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги ҳужжатлари қўлланилмайди, акциз солиғига тортиладиган товарларга солиқ солишни тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно;

г) 2019 йил 1 июндан бошлаб хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари — "Навоий" ЭИЗ қатнашчилари ва уларнинг оила аъзоларига республика ҳудудидан чиқмасдан узайтириш имконияти билан, амал қилиш муддати уч йилгача бўлган "инвестиция визаси" берилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

"Навоий" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси" давлат унитар корхонасини "Навоий" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси" акциядорлик жамиятига (кейинги ўринларда — "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ) айлантирсин;

"Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ тузилмасида Экспортни қўллаб-қувватлаш марказини ташкил қилсин ҳамда "Навоий" ЭИЗ қатнашчиларига маслаҳат, воситачилик хизматларини кўрсатиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ва хориждаги кўргазма ва ишбилармонлик тадбирларида иштирокини ташкил қилиш, иштирокчининг буюртмасига кўра тижорат асосида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш орқали уларга маҳсулотлар экспортида кўмаклашиш Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши этиб белгилансин.

10. "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг бутун даврида солиқлар тўлашдан озод этилсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

"Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖнинг дастлабки устав капитали қайта ташкил этилаётган "Навоий" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси" ДУКнинг мулклари ҳисобига шакллантирилади;

"Навоий" ЭИЗ ҳудудида жойлашган муҳандислик-коммуникация тармоқларига хизмат кўрсатиш "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ буюртманомаларига биноан вазирликлар ва идораларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

"Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ "Навоий" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси" ДУКнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади;

"Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖнинг устав капиталида давлат номидан акциядорлик функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади;

"Навоий" ЭИЗ ҳудудида бинолар қуриш "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ томонидан ўз маблағлари ва/ёки хусусий инвесторлар маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин ҳамда кейинчалик ушбу бино ва иншоотлар тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли ижарага ёки сотиб олиш учун тақдим этилади;

"Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ ўзига берилган ваколатлар доирасида Навоий вилояти ҳудудида жойлашган давлат ихтиёридаги кўчмас мулк объектларини бошқаради ҳамда Навоий вилоятидаги Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши билан келишган ҳолда Навоий вилояти ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий майдони 5000 метр квадратдан кўп бўлмаган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги "Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3067-сонли қарорининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган объектлардан ташқари) "Навоий" ЭИЗ иштирокчиларига тақдим этади;

"Навоий" ЭИЗ иштирокчилари учун барча, шу жумладан, лицензиялаш ва рухсатномалар олиш бўйича давлат хизматлари "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан "ягона дарча" тамойили асосида тақдим этилади.

12. Қуйидагилар "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

ЭИЗ иштирокчиларини рўйхатдан ўтказганлик учун бир марталик тўловлар;

тасарруфида ва бошқарувида бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушган тушумлар;

"Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан, маркетинг, консалтинг, логистика, меҳмонхона, таълим ва кадрлар билан боғлиқ хизматларни реализация қилишдан тушган тушумлар;

мақсадли бюджет ажратмалари;

хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ билан биргаликда:

а) белгиланган тартибда "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖнинг тузилмаси тасдиқланиши, таъсис ҳужжатлари, эмиссия рисоласининг рўйхатдан ўтказилиши, шунингдек, унинг органлари, шу жумладан, янги ташкил этилаётган Экспортни қўллаб-қувватлаш марказини инобатга олган ҳолда шакллантирилишини;

б) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда:

"Навоий" ЭИЗ ҳудудида янги корхоналарни жойлаштириш бўйича "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ билан иштирокчилар ўртасида тузиладиган намунавий инвестиция келишуви;

"Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ томонидан "Навоий" ЭИЗ иштирокчиларига хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий шартнома ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

14. "Навоий" ЭИЗнинг ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини келгуси йил учун шакллантиришда "Навоий" ЭИЗнинг транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар лимитларини назарда тутсин.

16. Навоий вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Навоий вилоятидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган фойдаланилмаётган ер участкалари, фойдаланилмаётган ва бўш турган давлат мулки объектларини хатловдан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар Навоий вилоятидаги ҳар бир туман марказлари, йирик аҳоли пунктларининг транспорт тизими ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

а) 2019 — 2021 йилларда Навоий вилоятида инновацион фаолиятни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2019-2020 йилларда Навоий вилояти ҳудудида амалга оширилиши таклиф этилаётган инновацион ва юқори технологияли лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси билан биргаликда Навоий вилоятида Инновацион технологияларни жорий этиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, қуйидагилар ушбу марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияли ишланмаларни яратиш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини моделлаштириш, макетлаштириш, тайёрлашда иштирок этиш ва замонавий лаборатория ускуналаридан фойдаланган ҳолда уларни синовдан ўтказиш;

юқори технологияли инновацион ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун янги истиқболли ғоялар ва инновацион илмий ҳажмдор ишланмаларни шакллантириш ҳамда илмий фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;

ҳудудда инновацион экотизим, шу жумладан, бизнес акселераторлар, стартаплар ва кичик инновацион корхоналарни ташкил этиш;

ҳамкорликда илмий тадқиқотларни бажариш учун академик, олий таълим ва тармоқ фанлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш.

18. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

"Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ буюртманомаларига биноан "Навоий" ЭИЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг хорижий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига кириш, шу жумладан, кўп марталик визаларни консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб қилиш учун яратилган шароитлар ва имкониятлар, ҳудуднинг ва мавжуд минерал-хом ашё ресурслар салоҳиятини халқаро ишбилармон доираларда доимий равишда кенг ёритилишини (тақдимотини) таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мазкур Фармоннинг моҳияти ва мақсадларини хорижий ҳамкорлар ва инвесторларга етказиш чора-тадбирларини кўрсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖнинг буюртманомаларига биноан "Навоий" ЭИЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг хорижий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божини ундирмасдан вақтинчалик турар жойи бўйича прописка қилиш ва узайтиришни таъминласин.

20. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишнинг барча жиҳатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилишини якунласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашувини, инвестиция лойиҳаларини танлашнинг аниқ мезонларини белгилаш;

инвесторларни жалб қилиш учун эркин иқтисодий зоналарни муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоат объектлари билан таъминлаган ҳолда зарур шароитлар яратиш механизмларини;

эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини, шу жумладан, дирекциялар фаолиятини ташкил этишнинг ягона стандартларини белгилаш, кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ҳамда эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини тадбиркорлик субъектларининг ишончли бошқарувига, шу жумладан, хорижий компанияларга топшириш орқали такомиллаштириш.

21. Адлия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги "Навоий" ЭИЗ дирекцияси" АЖ ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда икки ой муддатда "Навоий" ЭИЗ" ҳудудида иш юритишда инглиз тилидан фойдаланиб, инглиз стандартлари, тамойиллари ва нормалари асосида "Навоий" ЭИЗ" иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутувчи алоҳида ҳуқуқий режим ўрнатиш бўйича таклифлар киритсин.

22. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой муддатда Навоий вилоятида саноат, инжиниринг, технологиялар ва IT дастурлашнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган хорижий олий ўқув юрти филиалини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда "Навоий" ЭИЗ ҳудудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг 1 миллиард АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳажмдаги кредит линияларини босқичма-босқич жалб қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

26. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 15 май

---

Вагит АЛЕКПЕРОВ:

## НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

◄1 "Лукойл"нинг истиқболли янги лойиҳалари кўриб чиқилди. Ўзбекистонда учта инвестицион блокнинг нефть-газ ташувчанлиги истиқболларини баҳолаш мақсадида геологик-геофизик маълумотлар биргаликда ўрганилмоқда. Айни пайтда бу йўналишда тузилган ишчи гуруҳи томонидан инвестицион блоклар бўйича материаллар таҳлил қилинаётир.

Бухородаги конда олиб борилаётган газни чуқур қайта ишлаш тадбирларида қатнашаётганимиз бизга мамнуният бахш этади. Бу кенг кўламли ишлар натижасида иқтисодиёт ривожланиши баробарида, кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Ўзбекистонда "Лукойл" компанияси лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани нефть-газ соҳасидаги кенг кўламли ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

---

Алексей ЛИХАЧЁВ:

## ТОШКЕНТДА «ММФИ» ФИЛИАЛИ ОЧИЛГАНИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДАН ДАЛОЛАТДИР

◄1 Ўз лойиҳамизга келсак, у жадал ижро этиляпти. Президент томонидан бир йил олдин ўрнатилган жадвал қанчалик мураккаб бўлмасин, биз Ўзбекистонда АЭС тармоғини яратиш бўйича салмоқли ишларни амалга оширдик. Станция учун майдон белгиланди. Биз қурадиган блок андозаси танлаб олинди. Контрактация ишлари фаол олиб борилмоқда. Олдимизда турган вазифа жорий йилда асосий шартномаларни тузиш.

Атом технологиялари бўйича ахборот марказини ҳам очдик. Бу ерда қизиқувчилар ядро технологиялари, тармоқ тарихи ҳақида маълумот олиши мумкин. 2019/2020 ўқув йилидан "Москва муҳандислик-физика институти" миллий тадқиқот ядро университетининг Тошкентда очилаётган филиалида атом энергетикаси соҳаси учун мутахассислар тайёрлана бошлайди. Бу ерда талабалар энг яхши дастурлар асосида таҳсил олади. Ушбу таълим даргоҳи нафақат Россия, балки халқаро миқёсда улкан эътирофга сазовор бўлган. Тошкентда унинг филиали очилгани ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан ёрқин далолатдир.

Ҳозирги кунда "Москва муҳандислик-физика институти" миллий тадқиқот ядро университетида 56 нафар ўзбекистонлик мутахассис таълим олмоқда. Келаси ўқув йилидан унинг магистратурасида Ўзбекистон учун квоталар сони икки баробар оширилади.

Шавкат Мирзиёев лойиҳанинг истиқболли жиҳатларини назардан қочирмайди. Иқтисодиётни ривожлантирувчи бу тармоқ орқали экспорт салоҳиятини янада ошириш, илм-фан, тиббиёт соҳасини равнақ топтириш мумкин. Президент бизнинг бу борадаги ишларимизни қўллаб-қувватлаётганидан миннатдормиз.

АЭСнинг ишга туширилиши станция жойлашган ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, янги корхоналар қурилиши, иш ўринлари яратилиши, аҳоли фаровонлиги ошиши ва маҳаллий инфратузилма равнақига хизмат қилади.

**ЎзА мухбири А. ҒАФФОРОВ ёзиб олди.**

---

## Томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этиш ишлари кечиктирилгани депутатлар танқидига сабаб бўлди

◄1 Тадбирда бугунги кунда сув тежамкор инновацион технологияларни кенг жорий этиш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар доирасида муайян ишлар амалга оширилаётганига эътибор қаратилди. Айни чоғда депутатлар пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш масалалари билан боғлиқ юзага келаётган муаммолар ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини ҳам атрофлича муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳларининг ишчи органи сифатида ўзларига юклатилган асосий вазифаларни тўла ва етарли даражада амалга оширмаган. Натижада Қашқадарё вилоятининг Нишон, Ғузор, Наманган вилоятининг Чуст туманларида Давлат бюджетидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига ажратиладиган субсидияларнинг ўз вақтида берилиши кечиккан.

Шунингдек, "Ўзбекэнерго" АЖ ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида томчилатиб суғориш технологияси асосида пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларни пахтани етиштириш даврида белгиланган тартибда кафолатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш масалаларидаги камчиликлар фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ишлари ўз вақтида бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Қизғин мунозараларда депутатлар томонидан юқори ҳосилдорликка ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришишни таъминлайдиган, республиканинг тупроқ-иқлим ҳамда бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишнинг илмий асосланган агротехника қоидаларини ишлаб чиқиш каби бир қатор таклифлар берилди. Томчилатиб суғориш тизимларига сервис хизматларини кўрсатиш зарурлиги ҳамда мавсум давомида тизимли равишда амалий ёрдам бериш бўйича олим ва мутахассислар масъулиятини ошириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Якунда муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**



# ТЕСТ СИНОВЛАРИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ёшларга янада кўпроқ имкониятлар яратади

*Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тизимни халқаро стандартларга мос ҳолда ривожлантириш, олий таълим олиш истагидаги ёшларга янада кенг имкониятлар яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

### Муносабат

Хўш, мазкур ҳужжатга мувофиқ, янги ўқув йилидан бошлаб олий таълим масканларига кириш имтиҳонларида қандай янгиликлар жорий этилади? Уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?

Асосий ўзгаришлардан бири жорий йилдан бошлаб абитуриентларнинг олий таълим муассасалари бакалавриатига ўқишга кириш учун ҳужжат топширишда фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат этишларидир. Авваллари ёшларнинг ўзи, гоҳида ота-онаси ва бошқа яқинлари билан бирга ўқишга ҳужжат топшириш учун вилоят марказидаги ёки пойтахтимиздаги таълим даргоҳига узоқ йўл босиб келар, бу ерда ҳам қабул комиссияси олдидаги турнақатор навбатлардан, баъзида учрайдиган сансалорликлардан жуда зада бўларди. Бирорта ҳужжатда камчилик учрамаса, хўб-хўб, акс ҳолда, бу машмашалар қайтадан бошланарди. Давлатимиз раҳбари қарори билан бундай ортиқча оворагарчиликларга барҳам берилади. Ёшларнинг вақти ҳам, маблағи ҳам тежаладиган бўлди.

Қарорга кўра, тест синовлари эндиликда июль-август ойларида ўтказилади. Жараёнларда шошмашошарликларга, турли тушунмовчиликлар ва хатоларга йўл қўйилмайди. Абитуриентнинг имтиҳонда тўплаган баллари ҳақидаги маълумот тест синови ўтказилган куннинг эртасига, талабаликка тавсия этилгани ёки этилмагани бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган танлов натижаси тест синовларини ўтказиш жараёни тўлиқ якунланганидан кейин бир ҳафта муддат ичида марказимизнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Ёшларга янада кенг қулайликлар яратилмоқда. Жорий ўқув йилидан бошлаб абитуриент бир вақтнинг ўзида олий таълим муассасасига ўқишга киришда фанлар мажмуасига мувофиқ келувчи жами учта бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этади. Йўналишларни танлашда тест синови топшириладиган фанлар мажмуасининг мослиги эътиборга олинади.

Муҳим ўзгаришлардан яна бири — 2020/2021 ўқув йили қабулидан бошлаб тест фанлари мажмуаси икки бўлимга ажратилганидир. Яъни кейинги ўқув йилидан абитуриент ўқишга кириш учун учта мажбурий, иккита даъвогарлик қилаётган бакалавриат таълим йўналишига мос фандан имтиҳон топширади. Мажбурий фанлар — она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихидан тест топшириқлари соддалаштирилган бўлиб, абитуриентларнинг умумий саводхонлиги ва таянч билимларини баҳолашга йўналтирилади.

Қарорда олдинги ўқув йилларида таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардан тест синовларида иштирок этиши учун энг кам иш ҳақининг ярим баробарига тенг миқдорда йиғим ундирилиши белгиланган. Йиғимлар Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Ушбу маблағлар қандай мақсадлар учун сарфланиши кўпчиликка қизиқ. Авваало, шуни таъкидлаш лозимки, ҳар йили умумий ўрта мактаб, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини битирувчи ўқувчилар, шунингдек, тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳеч қандай тўловларсиз тест синовларида қатнашадилар. Улар ҳар йили жами абитуриентларнинг 57,2 фоизини ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Ундирилиши кутилаётган йиғимлар тест синовларини янада сифатли ва қулай шароитларда ташкил этиш билан боғлиқ харажатларга сарфланиши режалаштирилган. Ушбу маблағлар биноларнинг ижара тўловига, катта қувватли кондиционерлар, шахсни аниқлаш, биометрика, мобиль алоқа тўлқинларини тўсувчи қурилмалар ва кузатиш камералари, ота-оналар учун мониторлар билан жиҳозлашга ҳамда абитуриентларни ичимлик суви, ручка ҳамда бошқа воситалар билан таъминлашга йўналтирилади. Шуни таъкидлаш керакки, тест синовларини ташкил этиш жуда катта қўшимча молиявий маблағларни талаб этади. Тезкор ўқийдиган оптик қурилмалар хариди, хорижий экспертларни жалб этиш ва хорижий ватандошларни Давлат тест марказига ишга олиш, тўрт мингдан ортиқ гуруҳ назоратчиларига тўланадиган иш ҳақи, тест материалларини сифатли тайёрлаш, ўз вақтида белгиланган жойларга етказиб бериш, олиб келиш, сақлашга кетадиган харажатлар абитуриентлардан ундириладиган маблағлар ҳисобидан сарфланади. Шунингдек, келгусида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг маъмурий марказларида тест синовларини ўтказиш мақсадида катта сиғимли бино ва иншоотлар қуриш ҳам режалаштирилган.

Президент қарорида билимга чанқоқ ёшлар учун бундан-да кенг имкониятлар яратишга қаратилган яна кўплаб чора-тадбирлар белгиланганки, буларнинг барчаси тизимни янги сифат босқичига кўтариши, шубҳасиздир.

**Мажид КАРИМОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори.**

# 30дан зиёд мамлакатлардан 300дан ортиқ компаниялар

## нефть-газ ва энергетика соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни тақдим этмоқда

←1

Шу боис бу галги кўргазмалар чет элликларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Улар ишида 32 мамлакатнинг 300 дан ортиқ компанияларидан 1000 нафар делегат қатнашаётгани бунинг тасдиғидир.

Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Алишер Султонов, "Росатом" атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв ва бошқалар бугунги кунда Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика мажмуасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, хорижнинг илғор тажрибалари қўлланилаётгани, чет эл инвестициялари жалб қилинаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу жараёнда мавжуд қувватларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, йирик объектларни бунёд этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга устувор аҳамият берилаётир. Айниқса, тинчлик йўлида фойдаланиш учун ядро энергетикасини ривожлантириш, атом электр станциясини қуриш саъй-ҳаракатлари бошлангани соҳа равнақида тамомила янги босқич бошланганини англатади.

"Ўзэкспомарказ" мажмуасининг учта павильони маҳаллий ва хорижий мутахассислар, энергетика тизимидаги ишлаб чиқариш субъектлари вакиллари, ёш олимлар билан гавжум. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзатом" агентлиги кўмагида "Iteca Exhibitions" кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилган уч кунлик форумда соҳанинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинмоқда. "B2G" ва "B2B" форматидаги учрашувлар эса янги ҳамкорлар топиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун амалий келишувларга эришишда айни муддао бўлаётир.

Кўргазма залларида углеводород хом ашёларини қазиб олиш ускуна ва жиҳозлари, замонавий техникалар, сервис компанияларининг энг янги технологиялари, инжиниринг ва дастурий ишланмалари намойиш этиляпти.

"Power Uzbekistan — 2019" халқаро кўргазмаси энергетика мажмуасининг деярли барча йўналишини қамраб олганки, бу эса тадбирнинг ишчан руҳда ўтишига хизмат қиляпти. Энергетика, энергияни тежаш, атом энергетикаси, электротехника ускуналари, қайта тикланувчи ва энергиянинг муқобил манбалари, иссиқлик энергетикаси ускуналари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

Халқаро кўргазмалар кундалиги тадбирларга ғоятда бой. Масалан,



"Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2019" кўргазмаси доирасида кеча халқаро конференция ўз ишини бошлади. "Нефть-газ тармоғидаги янги тушунча — янги геосиёсат" мавзуидаги мазкур форумда жаҳоннинг энг йирик нефть компаниялари раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, халқаро молия муассасалари, шунингдек, хусусий компаниялар вакиллари иштирок этмоқда. Улар Ўзбекистон нефть-газ тармоғининг 2030 йилгача бўлган ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича асосий вазифалар, нефтни қазиб олишнинг янги усуллари ва стратегияси, инвестицияларни жалб қилиш ва экспорт географиясини кенгайтириш каби масалаларни муҳокама қилдилар.

Шу билан бирга, анъанага мувофиқ, форумнинг дастлабки кунида "Ёш олимлар анжумани" ҳам ташкил этилди. Энергетика вазирлиги ташаббуси билан халқаро энергетика конференцияси ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

**Саид РАҲМОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# КИТОБ — ТАФАККУР ҚАНОТИ



*Инсон камолотида китобнинг аҳамияти беқиёсдир. Глобаллашув даврида интернет ва бошқа замонавий технологиялар жадал ривожланаётган бўлса-да, инсоннинг онгу тафаккурини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, эзгуликни тарғиб этишда босма китобнинг ўрни ҳеч қачон йўқолмайди. Зеро, китоб асрлар давомида ахборот сақловчи энг самарали восита вазифасини бажарган. Қолаверса, минг йил олдин Самарқанд қоғозида битилган қўлёзмалар ҳозир ҳам инсониятга маърифат нурини сочмоқда.*

### Маънавият

Яна бир жиҳати борки, босма китобдан таралаётган ўзига хос ёқимли ҳидни туйиб варақлаш асносида мўъжизавий саҳифаларнинг сирли шитирлашидан кўнгил чексиз завққа тўлади. Қолаверса, китоб мутолаа қилиш, унинг мазмуни ҳақида бошқалар билан фикрлашишнинг ҳузур-ҳаловати ҳам тамоман ўзгачадир.

Соҳибқирон Амир Темур таъбири билан айтганда, "Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир".

*Кейинги йилларда юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ҳамда давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган беш муҳим ташаббус юксак аҳамият касб этмоқда. Ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, навқирон авлод ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш масалаларига алоҳида урғу берилгани бу борадаги ишлар кўламини янги босқичга кўтарди. Жойларда долзарб вазифалар ижросини таъминлаш бўйича қатор лойиҳалар, тадбирлар ва акциялар ўтказилмоқда.*

Айтиш керакки, турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги даврда ёшларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Белгиланган вазифаларни изчиллик билан рўёбга чиқариш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда улар ўртасида китобхонликни кучайтириш борасида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси томонидан ҳам қатор хайрли ишлар олиб борилаётир.

Айни мақсадда "Нуроний" жамғармаси республика бошқарувининг ҳамда ҳудудий бўлимларининг жойларда китобхонликни комплекс ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда китобхонликни ривожлантиришга қаратилган турли акция ва танловлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш белгиланди. Масалан, биргина жорий йилнинг март ойида республикамизда минг нафарга яқин меҳнат фахрийлари ва нуронийлар ташаббуси билан 22 минг донадан ортиқ китоблар таълим муассасаларига совға қилинди.

Жумладан, Жиззах, Навоий, Фарғона, Сирдарё, Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилоятларининг бир қатор шаҳар ва туманларидаги "Нуронийлар маскани"да "Китоб — келажак пойдевори" шиори остида бўлиб ўтган акциялар, давра суҳбатлари ва учрашувларда нуронийлар томонидан масканлар кутубхоналарига турли мавзуларда минглаб асарлар туҳфа этилди. Бу эзгу ишга нафақат меҳнат фахрийлари, балки давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Бундан ташқари, бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзган "Book challenge", "Китоб сайли", "Неварамга аталган китоб", "Биргаликда китоб ўқиймиз", "Фарзандимга китоб совға қиламан", "Ҳар бир фарзандга уч китоб", "Ўзим ўқиган мактабга менинг туҳфам", "Ҳар раҳбардан — ўн китоб" акциялари доирасида меҳнат фахрийлари, нуронийлар ўзлари ўқиган мактабга, жойлардаги "Нуронийлар маскани"га оилавий китоб фондларидан китоб совға қилмоқда.

Китобхонликни нафақат ёшлар, балки кекса авлод вакиллари орасида ҳам кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳудудлардаги фаол нуронийлар ташаббуси билан "Китобхон нуроний", "Китобхон оила", "Ёш китобхон", "Энг яхши иншо", "Энг яхши китобхон ҳудуд", "Ибратли китобхон" кўрик-танловлари ташкил этилди. Мазкур танловларда фаол қатнашган ёшлар ҳамда кекса авлод вакиллари муносиб рағбатлантирилмоқда.

Дарҳақиқат, "Тома-тома кўл бўлур" деганидек, ушбу амалий ҳаракатлар натижасида қанчадан-қанча мактаб кутубхоналари, жойлардаги "Нуронийлар маскан"лари китоблар билан бойияпти.

Бевосита жамғарма республика бошқаруви ходимлари томонидан юртимиздаги олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактаблар ҳамда "Нуронийлар маскани" кутубхоналарига 500 донадан ортиқ китоблар совға қилинди.

Албатта, амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Лекин бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси қандай? Совға қилинаётган китоблардан қай даражада фойдаланиляпти? Биз, нуронийлар мана шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Қилаётган ишларимиз билан бирга, ён-атрофимиздаги, маҳалламиздаги ота-оналарни мунтазам равишда ўз фарзандларини китоб дўконларига олиб боришлари, уларнинг кутубхонага қатнашини рағбатлантиришлари, китобга меҳр уйғотувчи муҳит яратилишини назоратга олишимиз лозим. Китоб совға қилиш анъанаси кенг қулоч ёйиши керак. Ҳозирги кунда юртдошларимиз орасида тўй, тантаналар, турли байрам маросимлари ва туғилган кунларда китоб совға қилиш оммалашиб бораётган бўлса-да, айримлар ҳалигача китоб ҳадя этишдан ор қилади, уялади. Ваҳолонки, китобдан улуғ совға борми?! Бу ҳақда биз нуронийлар тушунтиришлар олиб боришимиз керак эмасми?

Дарҳақиқат, халқимиз азалдан китобни қадрлайди. Энг асосийси, юртимизда ёшларимизнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида кенг имконият ва қулайликлар яратилган. Булардан оқилона фойдаланиш, фарзандларимиз ва набираларимизни буюк боболаримизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, мамлакатимизнинг том маънода, китобхонлар юртига айланишига ҳисса қўшиш олдимизда турган энг долзарб масалалардан биридир.

**Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,**
**Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви раиси.**

# Аҳоли ишончи — катта масъулият

←1

Мана, ҳозир улар ҳам тадбиркорликни бошлаб юбориб, кам таъминланганлар рўйхатидан чиқишди. Бир фуқаромиз уй муаммосидан қийналиб юрган эди, яқинда унга биринчи тўлови амалга оширилиб, уй олиб бериладиган бўлди. Маҳалла раислиги — катта масъулият. Ана шуни эсдан чиқармаган ҳолда, одамлар корига ярашга ҳаракат қиламан, албатта.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қашқадарё вилояти комиссияси раиси Исломиддин Аброровнинг маълум қилишича, ҳудудда муҳим сиёсий жараён — маҳалла сайлови қизғин руҳда кечмоқда. Ҳозирги кунга қадар вилоятдаги мавжуд 768 та фуқаролар йиғинининг 600 дан зиёдида сайловлар ўтказилиб, янги етакчилар аниқланди. Шундан 19 нафари аёллардир. Эътиборлиси, 400 нафар маҳалла раиси биринчи маротаба сайланди.

Маҳалла раислари сайловлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида ана шундай уюшқоқлик ва демократия тамойиллари асосида бўлиб ўтмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Йилнинг энг яхши ҳамширалари аниқланди

*Пойтахтимизда "Ҳамшира — 2019" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 14 нафар ҳамшира ўзаро беллашди.*




### Танлов

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳамширалар зиммасидаги масъулият ҳам катта. Шу боис юртимизда олиб борилаётган тиббий-ижтимоий ислоҳотлар жараёнида уларнинг билим ва савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тиббий таълим тизими халқаро талаблардан келиб чиқиб такомиллаштириляпти.

Танловнинг республика босқичи қизғин ва муросасиз кечди. Асосий эътибор ҳамшираларнинг билими, интеллектуал ва касбий салоҳияти даражасига қаратилди. Шунингдек, иштирокчиларнинг мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси, фаол фуқаролик позицияси ҳам баҳоланди. Натижаларга кўра, Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими хирургия пости навбатчи ҳамшираси Дилафрўз Паттаева биринчи ўринни қўлга киритди. Фарғона вилояти перинатал маркази қабулхона бўлими катта дояси Зуҳрахон Ҳайдарова иккинчи, Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани тиббиёт бирлашмаси ҳомиладорлар патологияси бўлими муолажа ҳамшираси Сарвиноз Қўшбоқова учинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга танлов ташкилотчилари томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

"Ҳамшира — 2019" танлови ғолиблари тиббиёт олий ўқув юртларига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилиниши белгиланган.

**Собир ЎНАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси**

**2019 йил харидлари бўйича танлов савдоларини эълон қилади.**

1. Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, кийим-кечак, махсус кийимлар, тоғ-альпинизм кийим жиҳозлари, биологик, радиацион, кимёвий ҳимоя воситалари, техник-муҳандислик воситалари, китоб ва босма нашрлар бланкалари (ўқув-услубий ҳамда бадиий адабиётлар), дори-дармон, медицина ускуналари (тиббий маҳсулотлар, қурилмалар ва асбоблар, дезинфекцияловчи воситалар), ошхона анжомлари, инвентарь ҳамда ускуналар, совитиш ва технологик ускуналар.

2. Алоқа ва коммутация ускуналари, компьютерлар ҳамда офис техникалари, спорт моллари ва жиҳозлари, (зирҳли-автотехникалар) тренажёр ҳамда имитаторлари, видеокузатув қўриқлаш тизимлари, дала-машқ ускуналари, кабель, лак-бўёқ маҳсулотлари, қўриқлаш ва ёнғинга қарши воситалар, теле-видеоускуналар, ёруғли сигнал қурилмаси, автомобиль шиналари, аккумуляторлар, бензин-дизель электрогенераторлар, ўқув ва профессионал мусиқа асбоблари ҳамда ускуналари.

**Маълумот учун телефонлар: 71-236-50-87, 71-236-50-68, 71-236-50-49.**

Танлов савдоларида барча корхона ва ташкилотлар маҳаллий ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи)лар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳамма талабларни бажарган ҳолда иштирок этишлари мумкин.

Товарларни етказиб бериш талаблари: Тошкент шаҳридаги омборга, хорижлик етказиб берувчилар учун CIP Тошкент (Инкотермс-2010) шартлари бўйича.

Етказиб бериш муддати: 2019 йил 25 декабргача.

Тўлов тури: 15% олдиндан, қолган 85% товар етказиб берилгандан сўнг тўланади.

***Тижорат таклифлари ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилга етказиб берилиши лозим: 100029, Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 23-уй (ЎР МГ харид қилиш бўлими)га ёки мазкур ng.umto@mail.ru электрон почтаси орқали қабул қилинади.***

**Тижорат таклифларида корхонанинг юридик манзили, алоқа телефон рақамлари, реквизитлари, тўлов тури, етказиб бериш муддати, тижорат таклифларининг амал қилиш муддатларини кўрсатиб ўтиш сўралади.**

389J/264

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти

**Яйра АБДУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz
02

# ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ФЕРМЕРЛАРИГА МУРОЖААТИ

**Ҳурматли фермерлар!**

Жорий йилда баҳорнинг серёғин ва нисбатан салқин келиши қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса, чигит қадаш ва ғўза ниҳолларини ундириб олишда азамат деҳқонларимиз зиммасидаги масъулият янада ошишига сабаб бўлди. Минг машаққат билан ундирилган ғўзани энди фақат обитобида парваришлаш, агротехника тадбирларини ўз вақтида бажариш орқали мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор яратишимиз мумкин.

Шундай экан, ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари ихтиёридаги культиваторлардан самарали фойдаланиб, ғўза қатор ораларини чопиқ қилиш, бегона ўтлардан тозалаш, яганалаш ва зараркунандаларга қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор бериши керак.

Бу йилги айни экин-тикин мавсумида ёғингарчилик кўп бўлиши пахтачиликда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ғўзанинг ривожи ўтган йиллардагига қараганда анча орқада қоляпти. Бу эса унинг парваришига алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, тупроқни чуқур юмшатиш, майда чопиқ қилиш, яганалаш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш ва бошқа агротехника юмушларини амалга оширишга ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Агар баъзи туманларда чигит бузиб, қайта экилганини инобатга оладиган бўлсак, бугун уларни бошқа ҳудудлардаги ғўзаларга етказиб олиш нақадар долзарб масала бўлиб тургани аён бўлади.

Тажрибали фермерлар, фидойи дала меҳнаткашлари ҳозирги ўта масъулиятли паллада сифатли бажарилган агротехника тадбирлари туфайли яратилажак мўл ҳосил, ундан келадиган даромаддан, энг аввало, ўзлари, қолаверса, жамиятимиз катта наф кўришини яхши билади, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни чуқур ҳис этади.

Сўнгги икки йилда пахтанинг давлат харид нархи қарийб икки баравар оширилди.

***Давлатимиз раҳбарининг биз, фермерларга беқиёс ғамхўрлиги, камтарона меҳнатимизга юксак эътиборини қадрлаб, бу зиммамизга улкан масъулият юклашини ҳам унутмаслигимиз лозим!***

**Азиз фермерлар, миришкор деҳқонлар!**

Юртимизда эзгу ташаббус, хайрли амаллар ҳеч қачон беиз кетмайди, эътибордан четда қолмайди. Аксинча, давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Шундай экан, ҳар биримиз ўз даламизда меҳнат қилиш учун ишчиларимизга қулай шарт-шароитлар яратиш пайидан бўлиб, енгил конструкцияли дала шийпони, мўъжазгина арзон иссиқхона қурайлик, 50 тадан парранда ва бир бошдан соғин сигир ҳамда 5 қутидан асалари боқишни йўлга қўйайлик. Бу орқали ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, қўшимча даромад манбаини шакллантириш имконияти пайдо бўлади.

**Қадрли фермерлар!**

Кўпни кўрган, тажрибали фермерлар май-июнь ойлари ғўза айни ривожланадиган, деҳқонлар таъбири билан айтганда, "кечаю кундуз ишлайдиган" бетакрор палла эканлиги, бу даврда қандай тадбир кўриш зарурлигини жуда яхши билишади. Сизу бизнинг вазифамиз эса ана шу тиғиз мавсумда бутун меҳримизни даламизга бериб, ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида ва сифатли бажаришга эришишдир. Бунинг учун қуйидагиларга жиддий эътибор қаратиш зарур:

**биринчидан,** агротехника тадбирлари борасидаги ташкилий ишларни яна бир марта, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда пухта режалаштиринг;

**иккинчидан,** ҳар бирингиз 50 сотих ғўза майдонига бир нафардан мавсумий ишчини жалб қилиб, бир ҳафта муддатда ғўза парваришидаги хато ва камчиликларга тўлиқ барҳам беринг;

**учинчидан,** ғўза майдонларини культивация қилишда ишчи органларни тупроқ шароити ва экиш схемасидан келиб чиққан ҳолда, амалга оширинг;

**тўртинчидан,** ишчиларингиз учун бир гектар майдондаги экин чопиғи учун 300 минг сўм, ягана учун 200 — 250 минг сўмдан, механизаторларга бир гектар культивация учун 18 минг сўм миқдоридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратилган иш ҳақини ўз вақтида бериб, меҳнат унумдорлигини оширишга эришинг;

**бешинчидан,** ғўза майдонингизда тўлиқ гектар ва контур ҳосил қилиб, ёғингарчиликдан кейин сақлаб қолинган майдонларда ниҳол униб чиқмаган қаторлар хатосига чигит экишни, бунда, чигитни яхшилаб димлаб, тупроқнинг **4-5 см.** намини чиқариб экишни ташкил этинг;

**олтинчидан,** ҳар бирингиз 1-2 та чинбарг чиқарган ғўза майдонларингизда яганалаш ишларини ташкил қилиб, 3 кун муддатда тўлиқ якунлаш чорасини кўринг. Бунда:

— тупроқ унумдорлиги юқори ерларда (90 см. ғўза қатор оралиғида экилганда 1 метрда 8-9 та, 60 см. қатор оралиғида экилган бўлса, 5-6 тадан кўчат қолдириб) гектарига 80 — 90 минг туп;

— тупроқ унумдорлиги ўртача ерларда (90 см. ғўза қатор оралиғида экилганда 1 метрда 9-10 та, 60 см. қатор оралиғида экилган бўлса, 6-7 тадан кўчат қолдириб) гектарига 100 — 110 минг туп;

— тупроқ унумдорлиги паст ерларда (90 см. ғўза қатор оралиғида экилганда 1 метрда 10-11 та, 60 см. қатор оралиғида экилган бўлса, 7-8 тадан кўчат қолдириб) гектарига 11 0 — 120 минг туп;

— тупроқ унумдорлиги паст ерлардаги қўшқатор экилган майдонларингизда гектарига 140 — 160 минг туп;

— ингичка толали ғўза навлари экилган унумдор тупроқли майдонда гектарига 110 — 120 минг туп, тупроқ унумдорлиги ўртача ерларда 130 — 140 минг туп, тупроқ унумдорлиги паст ерларда 150 — 160 минг туп, қўшқатор майдонларда 180 — 200 минг туп ҳамда "Сурхон" ва "Термиз" навларида 150 — 160 минг туп кўчат бўлишини таъминлашга эришинг;

**еттинчидан,** ғўзада 3-4 та чинбарг пайдо бўлган майдонларда ўсимликдан 12 — 14 см. узоқликда, 16 — 18 см. чуқурликда (тупроқ намига) гектарига 150 кг.дан азотли ўғит, чигит экиш ва ер тайёрлаш жараёнида берилмаган бўлса 200 кг.дан фосфорли ва 100 кг.дан калийли минерал ўғитлар билан озиқлантиринг;

**саккизинчидан,** ғўза ниҳолларининг 2-3 та чинбарг чиқариш даврида барг орқали озиқлантириш мақсадида суспензия сепиш ишларини ташкил этинг;

**тўққизинчидан,** ёғингарчиликдан кейин сақлаб қолинган майдонларда зудлик билан биринчи ишлов мажмуасини ўтказинг ва суғоришга тайёрланг. Ушбу майдонларни ҳар йилгидан 10 — 15 кун олдин гектарига 700 — 750 куб метр сув билан енгил қатор оралатиб суғоринг;

**ўнинчидан,** ғўзанинг зараркунанда ҳашаротларга (шира-трипс, кузги тунлам, ўргимчаккана ва бошқа) қарши биологик ва кимёвий кураш ишларини ташкил қилинг. Бунда ҳар гектар пахта майдонига бир донадан феромон тутқич ўрнатиб, 3-4 кунда 10 — 15 донадан капалак тушиши кузатилса, бундай майдонларни алоҳида назоратга олинг;

— ўргимчакканага қарши курашишда профилактика мақсадида олтингугуртга сода аралаштирилган эритма, олтингугуртга оҳакли ИСО эритмаси ёки гектарига 60 кг. олтингугуртни ОШУ пуркагичи билан далага сепинг;

— кузги тунлам (илдиз қурт)га қарши алдамчи емаклар тайёрлаш ва кечки пайт далага сепишни ташкил қилинг;

**ўн биринчидан,** 10 — 15 нафар фермер бирикиб, механизатор уйларини ташкил этинг. Бунинг натижасида далада иш унумдорлигининг ошишига эришинг.

***Табиат куч-қудратимиз, сабр-бардошимизни яна бир бор синовдан ўтказаётган жорий мавсумда бир тану бир жон бўлиб, етук мутахассисларимиз томонидан тавсия этилган энг қулай агротехника тадбирларини мақбул муддатларда амалга ошириб, пахтадан белгиланган ҳосил етиштиришга эришайлик!***

**Фидойи фермерлар, дала меҳнаткашлари!**

Бугун халқимиз сизнинг шижоатингиз, ғайрат ва матонатингизга кўз тикиб турганини, бир зум бўлса-да, ёддан кўтарманг. Дастурхонимиз файзу баракали, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла ва арзон, турмушимиз фаровон бўлиши бугунги меҳнатингизга боғлиқ.

Юртбошимизнинг ишончини оқлаб, юрт ободлиги, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун барчангизни сидқидилдан ҳалол меҳнат қилишга чақирамиз!

Бу йилги қишлоқ хўжалиги мавсумида сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, ишингизга эса унум ва ривож, улкан хирмон барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақият ва зафарлар тилаймиз!

**ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ.**

# Чиниққанлардан чемпионлар чиқади



## Беш ташаббус — амалда

*Бўка тумани маҳаллалари ўртасидаги навбатдаги мусобақани қайси ҳудудда ўтказиш ҳақидаги масала баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Кўпчилик "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилган стадионни таклиф қилди. Бу фикрда жон бор, албатта. Кейинги бир ой ичида қишлоқ ҳам, унинг маркази ҳам обод манзилга айланди. Мол боқишдан бошқасига ярамай қолган футбол майдони ҳам бутунлай янгича қиёфага эга бўлди. Атрофлари ўралди. 250 та ўриндиқ ўрнатилди. Дарвозалар бўялиб, тўрлари янгиланди.*

*Каттагина ариқдан стадионга олиб ўтадиган бир оёқли яккачўп ўрнига кенглиги 2,5 метр келадиган мустаҳкам кўприк қурилди. Катта стадион олдида минифутбол майдончаси ишга туширилди. Энг муҳими, бу ер гавжум масканга айланди. Ёшлар боғида волейбол, баскетбол, бадминтон, стол тенниси майдончалари барпо этилди. "Бўстон" футбол жамоаси қайта тикланди. Энди у вилоят биринчилиги мусобақаларида қатнашмоқда.*

### Мусобақа ўтказиш учун яна қандай жой керак?

"Бўстон"нинг довруғи достон бўлди.

— Мусобақани бошқа ҳудудда ташкил этиш керак, — деди бир гуруҳ ташкилотчилар.

Уларнинг фикрича, "Чавлисой" маҳалла фуқаролар йиғинидаги стадион жуда мос келади. Бу ерда ҳам футбол майдонини тўла қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. 300 томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар ўрнатилди. Югуриш йўлакчалари барпо этилмоқда.

— Тадбирни ташкил этишда "Янгиқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 3 минг ўринли стадиондан яхшиси йўқ.

Бу фикрни яна бир гуруҳ ташкилотчилар ўртага ташладилар. Гарчи ўриндиқлар сифати талабга жавоб бермаса-да, кўп томошабинларни йиғиб олиш мумкин. Майдонга ёритқич ускуналари ўрнатилди, таъмирлаш ишлари ўз йўли билан давом этаверади.

Туман марказидаги стадионда ҳам барча шарт-шароит мавжуд.

— Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин тадбирни "Равот" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказганимиз мақсадга мувофиқ, — дейди туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Темур Каримов. — Биринчидан, шу кунга қадар қишлоқда йирик тадбир ташкил қила олмадик. Қолаверса, амалга ошираётган бунёдкорлик ишларининг ҳам кўлами кенг.

Дарҳақиқат, маҳаллий тадбиркорлар банкнинг имтиёзли кредитлари ҳисобидан учта сунъий қопламали минифутбол майдончасини қуришмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан туманга топширилган 300 миллион сўмлик спорт инвентарларининг бир қисми айнан мана шу ҳудудга берилган.

Тадбир қаерда ўтказилишининг аҳамияти йўқ эмас. Лекин, энг муҳими, шароитнинг борлиги.

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус йўналишлари бўйича Бўка туманида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар давом эттириляпти. Масалан, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабига қарашли сузиш ҳавзасини қайта таъмирлаш учун куни кеча маҳаллий бюджетдан 220 миллион сўм маблағ ажратилди. 3-умумтаълим мактабида спорт зали қурилиши ишлари бошлаб юборилган. Бунинг учун марказдаги жамғармаларнинг бири 300 миллион сўмлик маблағ ажратадиган бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

### Яратилган шарт-шароитлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, жисмоний тарбия ва спорт самарадорлигига эришишга ёшлар тайёрми?

— Тайёр, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Муроджон Зуфаров. — Туманда спорт тўгараклари ва мусобақаларига 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 7 минг 442 нафар ўғил-қиз қамраб олинади. Ўтган бир ой ичида умумтаълим мактабларида спортнинг 14 тури бўйича 50 та қўшимча тўгарак ташкил этилди.

Тўгаракларга умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари раҳбарлик қилишмоқда. Бу ишлар жамоатчилик асосида амалга оширилмайди. Ўқитувчилар ўриндошлик асосида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига мураббийлик лавозимига ишга қабул қилинмоқда.

Мураббийларни қайта тайёрлаш мақсадида мамлакатимизнинг энг номдор спортчи устозлари бу ерда маҳорат дарсларини ташкил этишди. Дастлабки натижалар ҳам кўзга ташланиб қолди. Туман Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўз йўналишлари бўйича вилоятда ўтказилаётган мусобақада ғолиб бўлдилар. Футбол бўйича қишлоқ туманлари ўртасида ташкил этилган вилоят биринчилиги беллашувларида бўкаликлар иккинчи бўлишди.

Бу бошланиши, олдинда йирик мусобақалар, беллашувлар бор. Уларда бўкаликлар муносиб иштирок этишади. Эрта-индин туман ёшлари орасидан чемпионлар ҳам чиқади.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ
(«Халқ сўзи»).**

Ҳакимжон ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

# Баракали ҳосил гарови

*Дон — қут-барака, фаровонлик манбаи. Шу маънода, халқимиз дастурхони файзли, турмуши обод бўлиши юртимиз ғаллазорларидаги ҳосилнинг баракасига боғлиқ. Бу йилги ҳосилдан эса юртдошларимизнинг кўнгли тўқ. Сабаби, ғаллачилик учун қулай об-ҳаво келди. Қолаверса, деҳқонларимизнинг фидойи меҳнати самараси ўлароқ, экин баравж ривожланиб, бўлиқ бошоқламоқда. Бу эса, ўз навбатида, ғалла ўрим-йиғими мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, саноат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кечиктирмасдан бажаришни тақозо этади. Зеро, мавсумнинг уюшқоқлик билан беталафот ўтказилиши унга нечоғли пухта тадорик кўрилганига боғлиқ.*

Дарҳақиқат, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда мавсум тараддуди бўйича белгиланган юмушлар ижроси юзасидан профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Яқинда "Ғалла-Алтег" акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехлари, филиали ва барча дон қабул қилиш шохобчаларида мавсумга қандай тайёргарлик кўрилгани ўрганилди.



Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг Донни сақлаш ва қайта ишлашда саноат хавфсизлиги инспекцияси томонидан ўтказилган мазкур назорат тадбирида асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 октябрдаги "2019 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари навларини жойлаштириш ва бошоқли дон етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилди.

Профилактика тадбирлари натижалари юзасидан корхона раҳбари ва ходимларнинг мавсум олдидан саноат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги билим-кўникмаларини янада бойитиш мақсадида семинар ташкил этилди. "2019 йил бошоқли дон экинларини жойлаштиришда дон қабул қилиш шохобчаларининг мавсумга тайёргарлигида саноат хавфсизлигига риоя этилиши" мавзуидаги мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилиб, ишлаб чиқариш жараёнида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари хусусида керакли йўл-йўриқлар берилди.

— Дон қабул қилиш ишларининг намунали ташкил этилиши юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатнинг олдини олиш баробарида, ишчи-ходимлар меҳнат унумдорлигини ошириш, уларга қўшимча қулайликлар яратишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди Донни сақлаш ва қайта ишлашда саноат хавфсизлиги инспекцияси бошлиғи ўринбосари Шерзод Молдабаев. — Бунинг учун эса, энг аввало, мавжуд техника ва технологиялардан ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда фойдаланиш зарур. Ана шунда ризқ-рўзимиз манбаи бўлган дон нест-нобуд қилинмайди. Энг муҳими, ишчи-ходимларнинг жароҳат олиши, ёнғин, авария сингари бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олди олинишига эришилади.

Ушбу саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад бу йилги ўрим-йиғим мавсумига пухта ҳозирлик кўриб, ғаллазорлардаги ҳосилни қисқа фурсатларда саранжомлаб олиб, уни сифатли сақлашдир.

**«Ўздонмаҳсулот» АК
Ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 62 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.30 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6